

ЖАНУБИЙ ОРОЛБҮЙИ ЧИЯБҮРИ *CANIS AUREUS* ЛАРИНИНГ *DIOSTOPHYME RENALE* НЕМАТОДАСИ БИЛАН ЗАРАРЛАНИШИ

А.С.Бердибаев – биология фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент

А.Ш.Абдурахмонов – магистрант

Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институтини

Таянч сўзлар: инвазия экстенсивлиги, инвазия интенсивлиги, оралик, резервуар, зооантропоноз, ветеринария – санитария.

Ключевые слова: экстенсивность инвазии, интенсивность инвазии, промежуточный хозяин, резервуарный хозяин, зооантропоноз, ветеринария – санитария.

Key words: extent of invasion, intensity of invasion, interval, reservoir, zoonanthroposis, veterinary - sanitary.

Кириш. *Diostophyme renale* Goeze, 1782 дунёда тарқалган йирик нематодалардан бири бўлиб, кенг доирадаги сут эмизувчилар - йиртқичлар, ўтхўрлар ва хатто одамларнинг буйрак ва қорин бўшлиғида паразитлик қилади. Ундан зарарланишнинг оқибатида буйрак ўзгаришларга учраб, функцияси бузилади ва хўжайиннинг нобуд бўлишига олиб келиши ҳам мумкин. Бу нематода билан чиябўриларнинг зарарланиши Жанубий Оролбўйи шароитида деярли ўрганилмаган, шунинг учун уларнинг табиий ўчоқларини ўрганиш илмий ва амалий аҳамиятга эга [5].

Материал ва текшириш усуллари. Тадқиқот ишлари 2017-2024 йиллар давомида Қорақалпоғистон Республикасининг ҳар хил табиий географик ҳудудларида стационар ва маршрутли усуллар ёрдамида амалга оширилди. Жумладан, академик К.И.Скрябиннинг [4] тўлиқ ва тўлиқ бўлмаган гельминтологик ёриб кўриш усули билан 107 нусха чиябўрилар текширилди ва аниқланган *D.renale* гельминтлари 96% спиртта ва айрим нематодалар эса Барбагалло суяқлигида фиксация қилинди, этикеткалар ёпиштирилди.

Гельминтларни аниқлаш ишлари Зоология институти Умумий паразитология лабораториясида ва айрим лаборатория тадқиқот ишлари Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти Экспериментал биологик тадқиқотлар лабораториясида амалга оширилди. Гельминтларни ўрганиш учун сут кислотаси ва глицериннинг 1:1 нисбатдаги аралашмасидан фойдаланилди. Гельминтларни аниқлашда тайёрланган препаратлар МБИ-6, МБС-10, Биомед-6, ЛОМО ва Олимпик микроскопларининг 20 ва 40 катталаштириш ўлчамларидан фойдаланилди. Гельминтларни ўлчаш даражаларга бўлинган окуляр линейка ёрдамида бажарилди [1,2,4].

D.renale нематодасининг чиябўрилар организмда тақсимланишининг инвазия экстенсивлик (ИЭ) ва инвазия интенсивлик (ИИ) кўрсаткичлар асосида ҳисобланди [1,2,4].

Инвазиянинг экстенсивлиги (инглиз тилидаги адабиётларда – *Prevalence*) текширилаётган организмлар орасидаги паразит билан зарарланганларининг фоиз ҳисобидаги кўрсатилган миқдори.

$$P = \frac{N_p}{n} \times 100\%$$

бу ерда, N_p – зарарланган ҳайвонлар сони; n – умумий текширилган ҳайвонлар сони.

Инвазия интенсивлиги - хўжайиннинг у ёки бу паразит билан

зарарланишининг сон билан ифодаланиши ва куйидаги формуладан фойдаланилади:

$$NN = \frac{Par}{N_p}$$

бу ерда, Par – топилган паразитлар миқдори; N_p – топилган шу паразитлар билан зарарланган ҳайвон [1,2,4].

Натижалар. Олиб борилган кўп йиллик илимий тадқиқотлар натижаларига кўра Қорақалпоғистон

Республикасининг ҳар хил табиий географик ҳудудларидан 107 нусха чиябўриларда гельминтологик текширишлар ўтказилди ва *D.renale* нематодаси билан чиябўриларнинг зарарланиши 40,1% ни ташқил қилди [1,2,4].

Ушбу нематоданинг систематик ҳолати куйидагича:

Nemathelminthes Schneider, 1873 типи

Nematoda Rudolphi, 1808 синфи

Diostophymida Skrjabin, 1927 туркуми

Diostophymidae Railliet, 1915 оиласи

Diostophyma Collet-Meygret, 1802 авлоди

***Diostophyma renale* Goeze, 1782 1 – расм**



1 – расм. *D.renale* нематодасининг умумий кўрinishи (оригинал).

Бу нематода чиябўрилардан ташқари уй ва ёввойи йиртқич сут эмизувчи ҳайвонлар организмларида ҳам қайд этилган. Паразит Қорақалпоғистон Республикаси Устюрт платоси, Шимоли - ғарбий Қизилқум, Амударёнинг қуйи оқими ва Орол денгизининг қуриган тубида ҳам учрашлиги аниқланди 1 - жадвал.

Е.М.Карманованинг [3] маълумотларига кўра *D.renale* нематодасининг оралик хўжайин олигохетлар, балиқлар эса резервуар хўжайин вазифасини бажаради 2 - расм.




2 - расм. *D.renale* нематодасининг личинкалик шакли оддий лаққа *Silurus glanis* балиғи организмиде (оригинал).

Олиб борилган тадқиқотлар натижаларига кўра текширилган 107 та чиябўрилардан 43 таси (40,1%) зарарлангани аниқланди. Инвазия интенсивлик кўрсаткиши эса 1-13 нусхани ташқил этди.

1 – жадвал. *D.renale* нематодаси билан зарарланган 43 та чиябўриларнинг 4 та табиий географик ҳудудлар кесимида тақсимланиши (107-43)

Хўدادлар кесимида тақсимланиши (16) - 45										
Хайвон тути	Текширилган сонда		Устюрт платоси		Шимоли - ғарбий Қизилқум		Амударёнинг қуйи оқими		Орол денгизининг қуриган туби	
<i>Canis aureus</i>	43	40,1 %	6	5,6 %	7	6,5 %	21	19,6 %	9	8,4 %

D.renale нематодаси билан зарарланган чиябўриларнинг максимал кўрсаткичи Амударёнинг қуйи оқимида 19,6% ни ташкил қилган бўлса, минимал зарарланиш эса Устюрт платосига туғри келди 5,6%, қолган Шимоли - ғарбий Қизилқумда 6,5% ва Орол денгизининг қуриган тубида 8,4% билан характерланди 3 - расм.



3 – расм. *D.renale* нематодаси билан чиябўрилар зарарланишининг 4 та табиий географик ҳудудларда тақсимланиши

Чиябўриларнинг *D.renale* нематодаси билан Амударёнинг қуйи оқимида зарарланиш кўрсаткичи юқори бўлиши, бу ҳудудда *D. renale* нематодасининг оралик ва резервуар хўжайинларининг яшаши учун қулайли мухитнинг бўлиши билан ифодаланади.

D. renale нематодаси уй ва ёввойи йиртқич сут эмизувчи хайвонлардан ташқари одамларда ҳам диоктофимоз касаллигини чақириши мумкин. Бу касаллик асосий хўжайиннинг буйрақларини, ошқозон - ичак трактини ва бошқа органларининг шикастланишига олиб келади. *D.renale* нематодаси зооантропоноз гельминтозлардан ҳисобланиб ўзқўйилардан бери соғлиқни сақлаш ва ветеринария профилидаги биологлар ва паразитологларнинг эътиборини торттиб келади. Бундан кўраб нашрларда, ҳисобсан. Орол денгизи сув хавзалари ва МДХ минтақалари давлатлари ҳудудлари бўйча умумлаштирилган гельминтологик ишларда қуриш мумкин [1,5].

Хулоса. Юқоридаги айтилганлардан келиб чиққан ҳолда, диоктофимознинг олдини олиш учун уй эҳтўр сут эмизувчи хайвонларининг озуканларининг айрим параметрлари бўлган амфибиялар, балиқлар ва бошқа умуртқасизлар билан озикланишининг олдини олиш, инсон озик - овқатлари ёки хайвонларнинг озукаси учун мўлжалланган балиқлар ветеринария - санитария кўригидан ўтказилиши ва ҳар томонлама иссиқлик билан ишлов берилиши зарур. Бундан ташқари барча аҳоли яшаш пунктларидаги итлар ва мушукларни вақтида ветеринария - санитария кўригидан ўтказиб туриш ва популяциясини назорат қилишни талаб қилади [1,5].

Адабиётлар

- Бердибаев А.С. Қорақалпоғистон йиртқич сут эмизувчилари (Mammalia: Carnivora) гельминтлари.: Дисс. ... био. фан. фалсафа. докт. (PhD) – Нукус: 2021. –С. 156.
- Козлов Д.П. Определитель гельминтов хищных млекопитающих СССР. -М.: «Наука», 1977.
- Карманова Е.М. Диоктофимоз животных и человека и вызываемые ими заболевания. «Основы нематодологии». 20. – Москва: «Наука», 1968. –С. 262.
- Скрябин К.И. Методы полных гельминтологических вскрытий позвоночных, включая и человека.: - Ленинград.: 1-го МГУ, 1928. – С. 45.
- Юдин В.Г. Нематода *Diocetophyme renale* у диких плотоядных дальнего востока. // Паразитология. XV. 4. 1981. -С. 342-346.

РЕЗЮМЕ. Бу мақолада Қорақалпоғистоннинг ҳар хил табиий географик ҳудудларидаги чиябўриларда ўтказилган гельминтологик текширишлар натижалари баён қилинган. Қорақалпоғистоннинг 4 табиий географик ҳудудларидаги чиябўриларда паразитлик қилувчи *D.renale* нематодасининг зарарланиш кўрсаткичлари келтирилган. Шунингдек, *D.renale* нематодасининг паразитлик қилиш жойлари, ривожланиш циклидаги оралик ва резервуар хўжайинлари тўғрисида маълумотлар берилган.

РЕЗЮМЕ. В статье описаны результаты гельминтологических исследований, проведенных на шакалах в различных природно-географических регионах Каракалпакстана. Представлены показатели зараженности шакалов нематодой *D.renale*, встречающихся в четырех природно - географических регионах Каракалпакстана. Также приведены сведения о локализации паразитирования нематоды *D.renale*, циклы развития в промежуточных и резервуарных хозяевах.

SUMMARY. This article describes the results of helminthological investigations conducted in chiabori in different natural geographical regions of Karakalpakstan. The damage indicators of the parasitic nematode *D. renale* in chiabori in 4 natural geographical regions of Karakalpakstan are presented. Also, information is given on the places of parasitism of *D. renale* nematode, intermediate and reservoir hosts in the development cycle.

УДК 504.75

1978-2023- ЖЫЛЛАР УШЫН НӨКИС ҚАЛАСЫНДА ШАҢ БОРАН БОЛҒАН КҮНЛЕР САНЫНЫҢ СТАТИСТИКАЛЫҚ АНАЛИЗИ

Б.С.Тлеумуратова – физика-математика илимлериниң докторы

Р.Г.Султашов – таяныш докторант

Ж.Ж.Қобланов – биология илимлери бойынша философия докторы

Өзбекстан Республикасы Илимлер Академиясы Қарақалпақстан бөлими

Таянч сўзлар: чанг бўронлар, малумотлар базаси, такрорланувчанлик, йил ичида ўзгаришлар, чанг бўронли кунлар сони, кун ичидаги ўзгаришлари, давомийлик, Нукус шаҳри.

Ключевые слова: пыльные бури, база данных, повторяемость, внутригодовая вариация, дни пыльных бурь, внутрисуточная вариация, продолжительность, город Нукус.

Key words: dust storms, database, frequency, intra-annual variation, days of dust storms, intra-day variation, duration, Nukus.

Кирисиў: Ҳаёта тасвирлари ҳазирги куннинг глобал экологиялық машқаласы болып соның ишинде Нөкис қаласы халқының жасаў шараяты адамлардың саламат-

лығы ушын ең үлкен кәуиплерден бири есапланады. Нөкис қаласы ҳаўасының сапасы тек ғана антропоген фактордан келип шығыўы менен болған тасландыра-